

Жаҳаннам нега яратилган?



21:00 / 09.12.2018 3317

Жавоб: 1. Ҳозирги инсонлар ҳамма нарсани ақл ва мантиқ билан ўлчайди. Мантиқ ҳақ билан ботилни ўлчаб беролмайди. Лекин у билан ҳақни ҳам, ботилни ҳам исботласа бўлади. Масалан, бир киши эътироз қилиб, деди: “Узум ҳалол бўлса, унинг суви ҳам ҳалол бўлиши шарт. Демак, шароб ҳалол бўлиши керак”. Эшитаётганлар унинг сўзини жуда мантиқли топдилар. Сўнгра унга жавоб берилди: “Чўнтагингизда гугурт борми? Шу гугуртни ёқиб, қайтиб чўнтагингизга соласизми?” “Албатта, йўқ”. “Нега, бу ўша гугурт-ку?” “Чунки у ёқилганидан кейин хавфли бўлади”. “Худди шундай узум суви ҳам ачитилиб, маст қилувчи шаробга айлангач, ақл учун хавфли бўлади”. Эшитаётганлар бу жавобни ҳам мантиқли топдилар. Демак, мантиқий йўл билан ҳақни ҳам, ботилни ҳам исботласа бўларкан. Аммо у меъёр эмас.

Жаннамнинг яратилиши Аллоҳнинг адолатидир. Чунки қанчадан-қанча одамлар турли жиноятлар, ваҳшиёна қатллар, ғаддорлик, хунхўрлик, зулмлар қилмоқда. уларнинг аксари дунёда жазосиз қолмоқда. Агар улар қиёматда жазоланмасалар, адолатсизлик бўларди.

2. Нарсалар зидди билан билинади. Кеча бўлмаса, кундузнинг қадри билинмасди. Очлик бўлмаса, тўқликнинг қадри номаълум қоларди. Дўзах бўлмаса, жаннатнинг қадри билинмасди.

3. Аллоҳнинг сифатлари икки қисм: жамолий ва жалолий (лутфий ва қаҳрий)дир. Фаришта, жаннат, солиҳ амалларни яратиш лутф сифатининг зоҳир бўлишидир. Шайтон, жаҳаннам, ёмон амалларни яратиш қаҳр сифатининг зоҳир бўлишидадир. Қаҳр бўлмаса, лутф бўлмайди. Очлик бўлмаса, тўқлик, оғриқ бўлмаса, лаззат бўлмайди. Дунёдаги мажозий подшоҳлар қўл остидагиларнинг баъзини вазир, баъзисини супуриб-тозаловчи қилади. Уни ҳеч ким маломат қилиб, ишини зулмга нисбат бермайди. Чунки бу мамлакатнинг заруратларидандир.

“Соғлом эътиқод - мўминга нажот” китобидан